КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЁШЛАР, ТЕХНИКАНИ ЭГАЛЛАНГ!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 164 (4370).

20 АВГУСТ ЖУМА 1971 йил

Баҳоси 2 тийин.

● Бу йил областимиз механизаторлари 250 минг тонна пахтани машиналарда теришга аҳд қилдилар.

● *Терим агрегатлари мавсумга шай бўлсин.*

● Механизатор кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берайлик.

МЕХАНИЗАТОРЛАР МАСКАНИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ЁШЛАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ МЕХАНИЗАТОР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЎЧОГИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА

Тўйтепага етмасдан катта йўлнинг ўнг томонидаги баланд дарвоза тепасига «Ўрта Чирчиқ район, 42-сон қишлоқ техника билим юрти» деб ёзиб қўйилган. Дарвозадан ичкари киришингиз билан қуюқ дарахтзордан салқин шабада эсади. Сал юргач, билим юрти ўқув корпуси, трактор парки, устахона, ётоқхона, ошхоналар кўзга ташланади.

Устахона ёнидаги кенг майдончада «Ўзбекистон» терим машинаси ерга қадаб қўйилган қизил байроқчалар орасидан юриб борарди: имтихон кетяпти. Машина рулини бошқараётган йигит юзида ҳаяжон. У машинани майдончада бир айлантиргач, усталик билан тракторни орқага юргазиб, қадаб қўйилган икки байроқча ўртасида тўхтади. Енгил ҳаракат қилиб, рулдан тушди.

Машина рулига навбатдаги йигит ўтирди. Биз ўқувчига тушган билет билан имтиҳон комиссияси столида танишдик. Билетнинг биринчи саволи тракторни ўт олдириш, юргазиш ва прицепга улаш эди. Ҳайдовчи ўриндиққа енгил ўтириб, педални босди, агрегат гуриллаб олдинга қўзғалди. Ўқитувчилар механизаторнинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатишарди. У ҳаққонлик билан тракторни прицепга тўғрилади ва лозим бўлган вазифани аъло даражада бажарди.

— Адашбой Дадабоев аълочи ўқувчиларимиздан,— деди билим юрти директори Саминжон Ёдгоров.— У йил бўйи дарсларни яхши ўзлаштириб, ўртоқлари орасида «трактор мастери» деган ном олган.

Адашбой механизаторликка ёшлигидан меҳр қўйди. Колхозда тажрибали механизатор акаси Эргаш унинг биринчи устози эди.

Мана энди Адашбой механизаторлик билим юртини аъло баҳолар билан битирди. Эртаиндин она қишлоғига—Энгельс номли колхозга қайтади. «Зангори кема» рулини маҳкам тутиб, кенг пахтазорда жавлон уради.

—Мен орзуимга етдим, — деди Адашбой,— механизаторлик касбини ўрганиб олдим. Энди ҳар тонг далага ўз агрегатим билан чиқаман. Бу йил камида эл хирмонига элликолтмиш тонна «оқ олтин» тўкмоқчиман.

Шу куни қирққа яқин ўқувчи муваффақиятли имтиҳон топширди. А. Саидаъзимов, А. Хўжақулов, Х. Файзиев, Ж. Расулов, Қ. Усмонов, М. Амиров каби ўртоқлар «аъло» баҳо олишди.

— Яна учта группа имтиҳон топшириши керак, — дейди Саминжон ака,— биз имтиҳон кундалигини группа асосида тузганмиз. Бу йил билим юртини етти группа — жами 203 ўқувчи битириб пахтазорга йўлланма олади.

Колхоз-совхозларда механизаторларнинг жуда катта армияси иш олиб боряпти. Уларни янги механизатор кадрлар билан таъминлаш қишлоқ техника-билим юртлари зиммасига тушган. Шунинг учун ҳам яқинда Пискентдаги Акмал Икромов номли техника билим юртининг Ўрта Чирчиқдаги филиали мустақил курсга айлантирилди.

— Билим юрти ташкил бўлгандан шу кунгача мингга яқин ўғил-қиз битириб чиқди,— давом этади директор. —Дастлабки йили курсимизни 137 қиз битириб, турсунойчи деган ном олган эди. Ҳозирги пайтда улар колхозларда механизациялашган звеноларга бошчилик қилмоқдалар.

Директор бизни ўқув корпусига бошлади. Кабинетлар, лаборатория ва спорт залларини кўрдик. Билим юрти ҳали янги бўлишига қарамай, ўқув ишлари кабинет системасига ўтказилган. Ҳозир бу ерда агрономия, қишлоқ хўжалик машиналари ва трактор кабинетлари мавжуд. Ҳар бир кабинет етарли макетлар, техника деталлари ва плакатлар билан жиҳозланган.

Деворларига пахта навлари, ипак ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари макети тартиб билан осиб қўйилган хонага кирар эканмиз:

— Бу агрономия кабинети, — дейди билим юрти директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Саидаҳмад Бегматов.— Агрономия дарси шу кабинетда ўтказилади. Дарс кабинетда ўтказилганда ўқувчиларнинг бу фанни ўзлаштириши осонлашади. Ўқувчи эшитганини кўзи билан кўргач, ўша экин ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилади.

...Устахона ҳовлисида «Белорус» трактори ёнида навбатдаги машғулот ўтказиляпти. Трактор ўқитувчиси Саттор Султонов моторнинг айрим қисмлари ва иш фаолияти ҳақида лекция ўқияпти. У қўлидаги кичик кўрсаткич таёқчасини мотор устида енгил ҳаракат билан айлантириб, мураккаб деталлар номини қайта-қайта такрорлайди.

— Бу группа эртага имтиҳон топширади,— дейди Саттор Султонов,— ҳар бир ўқувчи имтиҳондан муваффақиятли ўтишса биз, ўқитувчилар ҳам хурсанд бўламиз.

Саттор Султонов билим юртининг тажрибали, билимдон ўқитувчиларидан ҳисобланади. Салкам йигирма йилдан бери механизатор кадрлар тайёрлашда муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

Ўқиш, тажриба билим юрти ўқув программасининг асосини ана шулар ташкил этади. Биринчи ойларда ўқувчилар назарий билим оладилар, агрономия фани билан танишадилар. Қишлоқ хўжалик тракторлари иш фаолиятини ўрганадилар. Дарс даврида қисқа-қисқа тажрибалар ўтказилади. Назарий билим тажриба билан боғлаб олиб борилади.

Дастлаб тажрибалар билим юрти устахоналарида ўтказилади. Ўқувчилар тракторларни бошқариб эгат ораларида юргазишни ўрганганч, кейинчалик хўжаликларда бир неча ой, амалий тажриба орттирадилар.

— Бу ишлар асосан колхоз-совхоз далаларида олиб борилади, — дейди Саминжон Ёдгоров,— Ўқитувчилар чигит экиш, культивация ишларида колхозга ёрдам беради. Бу йил улар райондаги Энгельс, номли, Калинин номли, «Ленин йўли», «Полярная звезда» колхозларида бўлдилар. Ўқувчилар ўз отаоналарига ўқиш давридаёқ катта кўмак беришди.

Кейинги пайтларда билим юрти номига колхозлардан илтимосномалар келаяпти. Бу йил бир группа ўқувчилар Энгельс номли колхоз терим машиналарини сифатли ремонт қилиб беришди. Ўтгиз ўқувчи ремонт ишларида катта фаолият кўрсатди. Колхоз правлениеси уларнинг меҳнатидан мамнун бўлиб фахрий ёрлиқ билан мукофотлади.

Бундан ташқари, билим юрти «Полярная звезда» колхозининг бир бригадасини оталиққа олган. Бригадада ҳосилдорликни кўтаришда ўқувчилар ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар гўза қатор ораларига ишлов беришда, пахтани машинада теришда каби мураккаб ишларни тўла ўзлаштириб оладилар.

Билим юрти битирувчилари ҳадемай колхоз далаларига йўл оладилар. Улар шу йилнинг ўзида теримда қатнашиш иштиёқи билан яшаётган ёш механизаторлардир. Мана уларнинг қалб сўзлари:

ҚАМБАРАЛИ УСМОНОВ:

«Коммунизм» колхозидан: Механизаторлик касбига меҳрим тушди. Шунинг учун 8-синфни битиргандан сўнг тўғри билим юртига йўлланма олдим. Ниятим битта, у ҳам бўлса, ерни кетмон билан эмас, трактор билан ишлаш.

Ота-оналаримиз умр бўйи гўзага қўл билан ишлаб, ҳосилни қўл билан териб келишди. Мана энди машина, тракторларимиз бор. Уларни бошқариш биз ёшларнинг иши. Мен қишлоқда доимо тенгдошларимга, техникани ўрганайлик, қишлоғимизни обод қилайлик, дейман. Ҳадемай, пахтачилик бутунлай техника зиммасига юклатилади. Бу ишларни бажаришда биз-ёшлар олдинда борамиз.

ҲАКИМ ФАЙЗИЕВ:

Оҳунбобоев номли колхоздан: Инсон қўлидан келмайдиган иш йўқ. Мен дастлаб билим юртига келганимда шу қудратли тракторни бошқара олишимга ишонмаган эдим. Мана энди трактор менинг иэмимда. Эртаиндин қишлоғимга қайтаман. «Зангори кема» рулига ўтириб, пахта тераман. Умр бўйи шу тракторда пахтазор кезмоқчиман. Ҳа, даланинг ўз гашти бор.

АҲМАДЖОН ХЎЖАҚУЛОВ:

Ленин номли колхоздан: Далалар техника қудрати билан яшнаяпти. Янги ерлар ўзлаштирилиб, хазина очилмоқда. Қазилаётган улкан каналлар ҳам техника кучи билан амалга оширилмоқда. Трактор рулига ўтирсам гайратим тошади. Улкан ишларни шу трактор билан бажара оладигандек сезаман. Қишлоққа қайтгач, элимиз бойлиги — «оқ олтин»ни янада кўпайтириш нияти билан ишлайман.

ХОЛМАТ ҚОРКЎЧАЕВ:

«Ленин йўли» колхозидан: Пахтачиликда улуғ ишлар амалга оширилаяпти. Барча меҳнат техника зиммасига юклатилмоқда. Энди техника биз қишлоқ ёшлари ичида бўлиши керак. Мен билим юртига киргандим. Тўғриси ҳам шу, қишлоқда яшайсанми, техника қўлингда бўлсин. Терим машинасида камида 70 тонна «оқ олтин» тераман.

Янги ўқув йилида билим юрти янада кенгаяди. Ўқувчилар сони бир неча юзга ошади. Шу йилнинг ўзида Оҳангарон ва Юқори Чирчиқда билим юрти филиаллари ишга тушади. Бу бўлимларнинг ҳар бирида олтмиш-етмишдан ортиқ ўқувчи таълим олади.

— Ўқув йилига ўқувчилар қабул қилиш давом этяпти,— дейди Саминжон ака.— Бу йил уч юз ўттиз ўқувчи қабул қилинади. Механизаторлик касбини ўрганаман деган ёшлар билим юртига киришсин.

Ўрта Чирчиқ район пахтакорлари бу йил 45 минг тонна пахтани машиналар билан теришга қарор қилганлар. Бу улкан хирмон яратишда билим юрти ўқувчилари ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар. Шулар ҳисобига районда терим ишлари бир ярим-икки сменада олиб борилади.

Райондаги кўпгина хўжаликларда механизатор кадрлар тайёрлашга ҳали ҳам жиддий эътибор билан киришилмаяпти. Колхоз-совхозларда турли баҳоналар билан ёшларни билим юртида ўқиши учун йўлланма берилмаяпти. Бундан билим юрти ўқитувчилар коллективи ҳам ранжимоқда. Хўжалик раҳбар ходимлари, партия ва комсомол ташкилотлари бу вазифани ўз зиммаларига олиши, механизатор кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор беришлари керак.

Механизаторлар масканидан қайтар эканмиз, далаларда «оқ олтин»дан улкан хирмон уюшга аҳд қилган ёш механизаторларга муваффақиятлар тиладик.

Н. ТУРАЕВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Суратда: билим юртини муваффақиятли тамомлаган ёш механизатор кадрлардан бир группаси.

Фотолар авторники.



Ўқитувчи Саттор Султонов ўқувчилар билан практик машғулот ўтказмоқда.

ПАХТА ТЕРИМИГА КАТТА ТАРАДДУД

19 августда Тошкентда енгил саноат пахта тайёрлаш системаси, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор приборлари министрлиги корхоналари, пахтакор иттифоқдош республикалар тайёрлаш министрликлари район ва область давлат инспекциялари ходимларининг бутуниттифоқ кенгаш-семинари бошланди. Кенгаш-семинар қатнашчилари 1971 йилги ва тўқкизинчи беш йилликнинг шундан кейинги йиллари пахта ҳосилини қисқа муддатларда уюшқоқлик билан муттасил қабул қилиб олишни таъминлаш мақсадида тайёргарлик ишларини такомиллаштиришнинг илмий жиҳатдан асослаб берилган тўғри йўлларини белгилаш, моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қиладилар.

КПСС XXIV съезди «оқ олтин» етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан буюк вазифаларни олдимизга қўйди. Пахтакор республикалар 1975 йилда 7—7,2 миллион тонна пахта етиштиришлари керак.

Кенгаш-семинарни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** қисқача нутқи билан очди. Бу йил, деди Ўртоқ Рашидов, об-ҳаво шароити гоят ноқулай келишига ва хусусан сув танқислигига қарамай, қишлоқ меҳнаткашлари, мутахассислар ва олимлар КПСС Марказий Комитети ҳамда Совет Ҳукуматининг катта ёрдамига таяниб фидокорона қилган ишлари туфайли пахта майдонларида мўл ҳосил тўпланмоқда. Бу эса Ватан олдида олинган мажбуриятларни бажариш имконини беради.

Қардош республикаларнинг традиция бўлиб қолган социалистик мусобақаси пахтачилик соҳасида партия белгилаб берган режаларни амалга оширишда катта ва самарали ёрдам кўрсатмоқда. Тажрибаларни ўзаро қўлайтира бориш ва бир-бирларига ҳар томонлама ёрдам бериш халқларнинг ленинча дўстлиги бузилмас дўстлик эканлигини исбот қилади. Бундай тажриба ва ҳар томонлама ўзаро ёрдам ажойиб натижалар бермоқда.

СССР тайёрлаш министри **З. Н. Нуриев** КПСС XXIV съезди қарорлари асосида пахта тайёрлаш планларини бажариш ва тайёрлаш ишларини такомиллаштириш юзасидан тайёрлаш органларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

СССР Енгил саноат министри **Н. Н. Тарасов** КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1971 йилда ҳосилни йиғиштириб олишни ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни таъминлаш чоралари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида, жумладан, моддий-техника базасини пахта қабул қилиб олишга тайёрлаш ва бу йил пахта тайёрлаш планларини ҳамда пландан ташқари пахта харид қилиш топшириқларини бажариш чоралари ҳақида ахборот берди.

Пахтани қуритиш ва тозалаш учун керакли асбоблар ва машиналар билан пахта тайёрлаш корхоналарини таъминлаш ва уларни ишлаб чиқариш истиқболлари СССР енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор приборлари министри **В. Н. Доенин**нинг докладида ёритиб берилди.

Шундан кейин кенгаш-семинарнинг бошқа қатнашчилари сўзга чиқдилар.

Кенгашнинг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари **И. Г. Анисимкин, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, Н. Ж. Худойбердиев,** КПСС Марказий Комитетининг сектор мудирлари **А. М. Борисенко, Б. И. Кисляков** қатнашмоқдалар.

Кенгаш-семинарнинг иши уч кун давом этади.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА СИЛОС БОСТИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 19 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

	Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учунчи стун — мавсум бошидан бери	
Бўка	7,7	97,4
Оққўрғон	0,5	95,0
Юқори Чирчиқ	0,8	87,0
Пискент	2,3	74,9
Бекобод	3,0	72,7
Ўрта Чирчиқ	1,1	60,1
Янгийўл	0,7	55,7
Калинин	5,7	44,7
Оржоникидзе	1,7	41,0
Бўстонлиқ	0,7	21,0
Область бўйича	2,2	66,0

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ—ПАРТИЯНИНГ АСОСИ

СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИ— ЖАНГОВАР ПРОГРАММА

Совет халқи КПСС XXIV съезди белгилаб берган коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажаришга барча куч ва имкониятларини сафарбар этмоқда. XXIV съезд тўққизинчи беш йиллиқнинг сиёсий йўлини, конкрет иш программасини аниқ ва равшан қилиб белгилаб берди. Бу улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш партия ташкилотларидан, барча коммунистлардан съезд материалларини чуқур ўрганиш ва пропаганда қилиш борасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларимизнинг мазмун ва услубини кун сайин такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Чирчиқ шаҳар партия ташкилоти КПСС XXIV съезди материалларини пропаганда қилишни меҳнаткашларни тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, техника тараққиётини тезлаштиришга сафарбар этиш билан узвий равишда боғлаб олиб бормоқда.

Съезд материалларини ўрганиш ва пропаганда қилиш бир неча босқичда олиб борилмоқда. Съезд ўз ишини бошлаши билан унинг материалларини ленинча жумаликларда пропаганда қилишга киришилди. КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади, тўққизинчи беш йиллик план Директиваларини меҳнаткашлар ўртасида кенг тушунтириб борилди. Ленинча жумаликлар шаҳардаги барча саноат корхоналари ва муассасаларида ўтказилди. Унга партия, совет ташкилотларининг, саноат корхоналарининг раҳбарлари актив қатнашиб, съезд материаллари юзасидан 150 дан ортиқ лекция ва доклад ўқидилар, сиёсий ахборот бердилар.

Партия маорифи системасида съезд материаллари, айниқса, чуқур ва атрофлича ўрганилди. Бошланғич сиёсий мактабларда, марксизм-ленинизм асослари мактабларида съезд материалларини ўрганишга бағишланиб олти марта машғулотлар ўтказилди. Партия маорифининг олий формаси бўлган кечки марксизм-ленинизм университетида, шаҳар партия хўжалик активи мактаби ҳамда назарий семинарларда съезд материаллари юзасидан семинар машғулотлари, суҳбатлар бўлди.

Шунингдек, шаҳар партия хўжалик активи билан «КПСС XXIV съезди ишлаб чиқаришни бошқариш системасини такомиллаштириш тўғрисда», «КПСС XXIV съезди ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳақида» деган темаларда назарий конференциялар ўтказилди.

Комсомол сиёсий маорифи системасида съезд материалларини уч ярим мингдан ортиқ йигит ва қиз атрофлича ўрганди. «КПСС XXIV съезди ишининг якуни ва съезд қарорларини бажаришда комсомол ташкилотларининг вазифалари» деган мавзуда ўтказилган Бутуниттифоқ комсомол йиғилишлари ҳам юқори савияда ўтказилди. Комсомол йиғилишларида шаҳар партия комитетининг секретарлари, партия комитети ва партия ташкилотларининг секретарлари доклад қилдилар. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда комсомоллардан 2 минг 440 киши қатнашди. Бу йиғилишларда комсомоллар тўқкизинчи беш йиллиқнинг биринчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш ҳақида янги социалистик мажбурият қабул қилдилар. Чунончи, 160-қурилиш трестининг комсомоллари иқтисод қилиш ва тежамкорлик бўйича бошланган мусобақага қўшилиб, 1971 йилда ўн беш минг сўмлик қурилиш материалларини тежаш, 200 йигит ва қизга бинокорлик касбларини ўргатишга қарор қилдилар.

КПСС XXIV съезди материаллари пропаганда қилишда шаҳар «Билим» жамиятининг аъзолари ҳам ибратли ишларни қилмоқдалар. Съезд материаллари бўйича лекциялар ўқишга жамият аъзоларидан Тошкент политехника институтининг Чирчиқдаги кечки филиали доценти, тарих фанлари кандидати Д. Рудзянси, катта ўқитувчилар Г. Ксензов, М. Ҳамдамов, педагоглардан П. Шрампо, П. Фрай, М. Журавлева ўртоқлар актив қатнашмоқдалар. Шаҳар «Билим» жамиятининг аъзолари шу кунгача съезд материаллари юзасидан 400 дан ортиқ лекция ўқидилар.

Шаҳар саноат корхоналарида, муассаса ва ташкилотлардаги 18 та халқ университетида ҳам шаҳар партия комитети тавсия этган тематика бўйича съездга бағишланган махсус машғулотлар ўтказилди.

КПСС XXIV съезди делегатлари — Ўзбекистон қийин эриёдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг директори В. Хайдаров, Чирчиқ электрохимия комбинатининг аппаратчиси Нина Михайловна Гузенко ўртоқлар билан ўтказилган учрашувлар ҳам гоят мароқли ўтди. Улар саноат корхоналарида, мактаб ва маданият саройларида ўтказилаётган учрашувларда XXIV съезд таассуротлари, тўққизинчи беш йиллик вазифалари ҳақида меҳнаткашларга, ўқувчи ёшларга қизиқарли ҳикоя қилиб бердилар.

Шаҳардаги бешта клуб ва маданият саройида съезд материалларини пропаганда қилиш мақсадида тематик кечалар, лекция ва докладлар ўтказилди. 14 та оммавий кутубхоналарнинг ҳаммасида «XXIV съезд қарорларини турмушга тадбиқ этамиз!», «Съезд материалларини ўрганинг!», «Партия планлари — халқ планлари», «Ленин йўлидан коммунизм қари» деган темаларда адабиётлар виставкаси ташкил этилди. Буларнинг ҳаммаси партия ташкилотлари томонидан тасдиқланган махсус планлар асосида амалга оширилди.

Шаҳар партия ташкилотлари съезд материалларини пропаганда қилишда оммавий-сиёсий ишларнинг барча синалган формаларидан ўринли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Корхона ва муассасаларда 666 сиёсий ахборотчи, 602 сиёсий ташкилотчи, 246 агитатор съезд материаллари асосида сиёсий ахборот ва мазмунли суҳбатлар ўтказишмоқда. Сиёсий ахборотчилардан «Ўзбекхиммаш» заводи қуюв цехининг инженер—экономисти Нелла Ивановна Назарова, қийин эриёдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати цех бошлиғи В. Горбачев, сиёсий ташкилотчилардан «Чирчиксельмаш» заводи бешинчи цехи мастери Иван Андреевич Елфимов, агитаторлардан электрохимия комбинати катализатор цехи электриги Турсунбой Мирсоатов ўртоқлар съезд қарорларини пропаганда қилишдаги хизматлари билан кўпчилик ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Шаҳар партия комитети бюроси шу йил 14 майда саноат корхоналарида КПСС XXIV съезди материалларини системали равишда пропаганда қилиш мақсадида халқ сиёсий мактаблари ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Шу кунларда саноат корхоналарида 135 халқ сиёсий мактаби ишлаб турибди. Уларга беш мингга яқин ишчи-хизматчи ва инженер техник ходим жалб этилган. Сиёсий мактабларга марксча-ленинча назарий маълумотга эга бўлган раҳбар ходимлар бошчилик қилмоқдалар.

Шу йил июль ойида шаҳар партия комитетида халқ сиёсий мактаблари пропагандистлари билан бир кунлик методик семинар ўтказилди. Чирчиқ электрохимия комбинати қийин эриёдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Ўзбекхиммаш», «Чирчиксельмаш», трансформатор заводларидаги халқ сиёсий мактаблари ўз ишларини намунали ташкил этдилар. Чирчиксельмаш заводида 27 та халқ сиёсий мактабларида 700 тингловчи съезд материалларини эўр қизиқиш билан ўрганмоқда. Завод бош механиги А. Кульшин, иккинчи цех бошлиғи В. Безуменко, темирчилик пресс цехи бошлиғининг ўринбосари В. В. Поляков ўртоқлар пропагандист бўлган халқ сиёсий мактабларида машғулотлар махсус тайёргарлик билан юқори савияда ўтказилмоқда.

Тошкент область партия комитети Чирчиқ шаҳар партия ташкилотларининг съезд қарорларини ўрганиш юзасидан халқ сиёсий мактаблари ташкил этиш ҳақидаги ташаббусини маъқуллаб, қарор қабул қилди. Бундай мактаблар ташкил этишни областдаги барча партия ташкилотларига тавсия этди.

КПСС XXIV съезди қарорларидан илҳомланган Чирчиқ шаҳар саноат корхоналарининг меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллиқнинг биринчи йили планини 25 декабрда бажариш, йил охиригача пландан ташқари етти миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, 500 борини КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларга қаратиб, қувончли ютуқларни қўлга киритишга. Буни мен ўз бригадамиз иши мисолида кўриб турибман. Бригадамиз тўрт йилдирки, коммунистик меҳнат коллективи номини шарафлаб келяпти. Йил сайин маъдан қазиб олиш топшириқларини ортиғи билан адо этмоқдамиз. Ўтган йилнинг ўзида бригада аъзолари 1 миллион 544 минг кубометр тоғ жинсларини ва маъданлар қазиб олдилар. Бу пландагидан анча кўпдир.

Тўққизинчи беш йиллиннинг биринчи йилида ҳам биз эўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдамиз. Етти ойлик топшириқ барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли адо этилди. Эришилган ютуқларда бригада коммунистларининг ҳиссаси айниқса каттадир. Биз машинист Николай Багрянов номини эўр ҳурмат билан тилга оламиз. У намунали меҳнат қилиш билан бирга Тошкент политехника институтининг Олмалиқдаги кечки бўлимида билим олмоқда. Ёш коммунист меҳнатда ҳам, ўқишда ҳам барчага ўрнак бўлмоқда. Экскаваторларнинг жорий ремонтини ҳеч қийналмай ўзи адо этяпти. Николай пайвандчилик касбини ҳам эгаллаган. Ремонт пайтида бу ҳунари қўл келмоқда.

Ёш коммунистнинг меҳнатлари муносиб тақдирланган. Унинг номи Олмалиқ кон-металлургия комбинати фахрий китобига ёзилган.

Коммунист Владимир Гуров ҳам ишчан машинистлардан. Гуров олдин машинист ёрдамчиси бўлиб ишлади. Сўнг махсус курсда билим олди. Мана энди экскаваторни мустақил бошқаряпти. Бу ҳунарни эгаллашида унга дўстлари катта ёрдам кўрсатишди. Ҳозирги кунда у беш йиллик топшириғини муддатидан олдин бажариш учун бошланган мусобақага қўшилиб, ўз нормасини икки ҳисса ортиғи билан адо этмоқда.

Бирлашган ўзар, деган нақл бор. Коммунистлар шу нақлга амал қилиб, бир ёқадан бош чиқариб, йиллик планни барвақт адо этиш учун курашмоқдалар.

М. БОБИЛОВ,
Қалмоққир кони экскаватор-машинисти.

Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг коммунистлари ажойиб ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Бу ташаббуслар бошланғич партия ташкилотлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Яқинда «Главташкентстрой»га қарашли 5-автобаза коммунистлари пахта йиғимтеримида фаол қатнашиш истагини билдирдилар. Автобаза партия ташкилоти ташаббускор коммунистларнинг қўшимча касб эгаллашлари учун етарли шароитлар яратиб бермоқда. Ҳозир улар «зангори кема»ларни бошқаришни ўрганмоқдалар. Суратда: (чапдан) автобаза шоферларидан П. Землянский, Г. Кузьнецов ва В. В. Тимофеев ўртоқлар амалий машғулот пайтида.

Н. Ключнев ва Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

КУЧ—БИРЛИКДА

ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

Чирчиқлик кимёгарлар ишлаб чиқараётган ўғитлар пахтакорлар ҳосилига ҳосил қўшмоқда, машинасозлар қўли билан бунёд этилган агрегатлар оғирини енгил қилмоқда.

Чирчиқлик саноатчилар бу билан кифояланиб қолмай, балки тез-тез далаларга чиқиб деҳқонларга кўмаклашиб туришити. Шаҳар саноат корхоналари Ўрта Чирчиқ район хўжаликларини оталиққа олган.

Металлурглар, кимёгарлар, машинасозлар, бинокорлар ва бошқа касб эгалари район хўжаликларига чиқиб, пахтакорларга мўл-кўл «оқ олтин» етказишда ёрдамлашиб, қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишда кўмаклашмоқдалар.

Москваликлларнинг мўл-кўл озуқа базасини яратишдаги ажойиб ташаббусларига биринчилар қаторида қўшилган ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинати ёшлари Киров совхози хўжалигида бўлиб яқиндан кўмаклашдилар. Л. Мамутова, И. Дубинникова, Ю. Тумакова, В. Афанасьев, З. Антонова, Л. Климанова, О. Канакова ва бошқалар қўлларига ўроқ олиб чорвадорлар билан елкама-елка ишлашди.

Ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинати ёшларидан ўрнак олган шаҳардаги бошқа саноат корхоналари ишчи-хизматчилари ҳам шанба-якшанба кунлари Ўрта Чирчиқ районининг бир қатор хўжаликларида бўлдилар.

Электрохимия комбинати, «Чирчиксельмаш», «Ўзбекхиммаш», трансформатор заводи ва бошқа саноат корхоналарининг 250 дан зиёд йигит-қизлари чорва қишловига мўл-кўл озуқа жамғаришга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ш. АКБАРОВ.

КОММУНИСТЛАР МАЛАКА ОШИРМОҚДАЛАР

Йиллар ўтиши билан саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари тўла автоматлашиб, қўл меҳнати тобора енгиллашиб бормоқда. Комплекс механизациянинг жорий этилиши айни пайтда ишчилар малакасини оширишни ҳам тақозо этаяпти. Чунки, янги техника ва технологик жараёнларни пухта эгаллаган ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бўлмайди.

Тўрт йилдирки, «Ўзбекхиммаш» заводи партия ташкилоти шунинг учун ҳам ишчилар, инженер-техник ходимлар малакасини оширишга, уларни ўқитиб, бошқарув илмини ўргатишга алоҳида эътибор беряпти.

4 йилдан буён «Ўзбекхиммаш» заводи планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлаб келяпти. Шу давр мобайнида машинасозлар ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштирдилар, кўпгина илғор прогрессив иш методларини жорий этдилар, химия саноати учун етказиб берилаётган машина ва ускуналар хилини анча кўпайтирдилар.

Тўққизинчи беш йилликда олдимизда яна ҳам улкан вазифалар турибди, 1975 йил охирига бориб тайёрланаётган химия ускуналари ва аппаратлари ҳажмини 1970 йилга нисбатан 38,7 процент, меҳнат унумдорлигини эса 51,3 процентга оширишни мўлжаллаяпмиз. Бу ютуқларга биз ишчи сонини ошириб маган ҳолда эришмоқчимиз.

Кўзланган марраларга албатта ўз-ўзидан эришилавермайди. Бунинг учун қўшимча ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш, ички резервлардан тўлароқ фойдаланиш, кишиларда масъулият ҳиссини янада ўстириш лозим бўлади.

Ишчиларнинг иқтисодий билимини ошириш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унинг техника даражасини ўстиришда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шу мақсадда биз корхона цехлари ва участкаларида 25 та иқтисодий билимлар тўгарагини ташкил этганмиз. Бу тўгараклар машғулотига 400 га яқин ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи жалб этилган. Завод партия ташкилоти ҳар бир тўгарак машғулотларининг юқори савияда ўтиши устида алоҳида қайғураяпти. Тўгарак раҳбарлари тингловчилар онгида меҳнатга коммунистик муносабат ҳиссини оширишга, ўжаликни ленинча бошқариш принципларини кенгроқ пропаганда қилишга ҳаракат қилмоқдалар, тингловчиларни эришилаётган ютуқлар ва йўл қўйилаётган камчиликларни иқтисодий жиҳатдан анализ қилишга ўргатмоқдалар.

Машғулотларда назарий билим бевосита корхона ҳаётидан олинган мисоллар билан бойитилган ҳолда пропаганда қилиняпти. Тўгарак раҳбарлари ҳар бир суҳбатда коллектив олдида турган вазифаларни алоҳида қайд қилмоқдалар. Ўтган ўқув йилида тингловчилар уч группага бўлиниб иқтисодий билимларни ўргандилар. Биринчи группага корхона раҳбарлари ва етук мутахассислар жалб этилди. Улар асосан саноат корхонаси экономикасини ўрганиш билан банд бўлдилар. Иккинчи группа машғулотларида эса ишчилар, бригада бошлиқлари иштирок этдилар. Улар иқтисодий билим асослари юзасидан ташкил этилган курс машғулотларини тингладилар. Булардан ташқари, техника ишлаб чиқариш таълими, янги ишчиларни тайёрлаш ва кадрлар малакасини ошириш бўйича яна бир группа ўз машғулотларини олиб боради.

Тўгарак машғулотларида «В. И. Ленин меҳнаткашларни иқтисодий жиҳатдан тарбиялаш ҳақида», «Социалистик ишлаб чиқариш корхонаси», «Планлаштиришни ташкил этиш», «Меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш йўллари» каби асосий темалардан ташқари КПСС XXIV съезди материаллари ҳам эўр эътибор билан ўрганилди. Лекциялар ўқишга заводнинг етук мутахассислари қатнашдилар. Улар ҳар бир темани корхона ҳаётига боғлаб тингловчиларга тушунтириб бердилар. Айниқса, завод директори А. Караваев, бош инженер Л. Смирнов, план бўлими бошлиғининг ўринбосари Д. Креков, инженер А. Яковиди, меҳнат ва маош бўлими инженери А. Чуева ва бошқа мутахассислар ўқиган лекциялар тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Умуман, сўнгги пайтда заводда иқтисодий билимлар пропагандасига алоҳида эътибор билан қараладиган бўлиб қолди. Ҳар ҳафтада бир марта цех ва участкаларда иқтисодий темаларда суҳбатлар ўтказилаяпти. Ўтган ойларда цех ва бўлимларда иқтисодий темада 50 дан ортиқ лекция ўқилди. Бу тадбир беихтиёр меҳнаткашлар ижодий активлигини оширишга кўмаклашмоқда. Корхонада ишлаб чиқариш топшириқлари ойма-ой ортиғи билан адо этиб келинмоқда.

С. ДАВИДОВ,
«Ўзбекхиммаш» заводи партия комитети секретари.



Мария Риштакова Тошкентдаги махсус-ихтисослашган ремонт корхонасининг илғор ишчиларидан ҳисобланади. Мана бир неча йилдирки у фидокорона меҳнати билан коллектив ҳурматини қозониб келмоқда. Суратда: М. Риштакова иш устида.

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ТАЙЁРЛОВЧИЛАРНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ТРЕСТИ БОШ ИНЖЕНЕРИ ЎРТОҚ Н. С. МИХАЙЛОВ БИЛАН СУҲБАТ

Областимиз пахта тозалаш ва тайёрлаш корхоналари, ташкилотлари коллективлари олдига бу йил катта вазифалар қўйилган. Пахтакорлар янги беш йиллиқнинг тўнғич йилида давлатга 400 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Азамат деҳқонларимиз эл-юрт олдида берилган ана шу ваъданинг тўла уддасидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилдилар.

Трестимиз ходимлари етиштирилган мўл-кўл пахта ҳосилини тез ва соз қабул қилиб олишга ҳар томонлама тайёргарлик кўрмоқдалар. Пахта тайёрлашнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан ўзларининг меҳнатларига боғлиқ эканлигини яхши тушунган корхоналаримиз, тайёрлов пунктларимиз ишчи-хизматчилари бу муҳим кампанияни шай ҳолда кутиб олиш учун куну тун тинимсиз ишлашяпти. Барча пахта тозалаш заводларида ва пунктларда иморатларни, ишлаб чиқариш майдонларини, мавжуд асбоб-ускуналарни ремонт қилиш, янги-янги ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топириш ишлари қизғин боряпти.

Пахта тайёрлаш пунктларидаги аксарият бунтларнинг майдончалари қўлдан чиқарилди. Ҳозир областимизда 1025 та бунт бор. Унинг 900 дан ортиғи ремонт қилинди. Мавжуд 56 та автомобиль тарозилари ишга тахт қилиб қўйилди. Қўшимча 5 та шундай тарозилар ўрнатилди. Бу билан пахтани қабул қилиш ишлари бир мунча тезлашади.

Пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларидаги барча лабораториялар ва у ерда қўлланиладиган анжомлар ремонтдан чиқарилди. Брезентларни ремонт қилиш бўйича ишлар аллақачонлар тугалланди: 3600 дан ортиқ брезент тахт қилиб қўйилди. Шу кунларда эса қоп-қанорлар ва фартуклар тайёрланяпти. Ҳозиргача 10 мингдан ортиқ қоп-қанор ва 150 минг донага яқин фартук тахт қилиб қўйилди.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам стандарт эталонларини тайёрлашга катта эътибор бераяпмиз. Чунки, ишнинг муваффақиятли бориши, пахтани қабул қилиш суръатлари кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Эталонлари қўл остида бўлган товаршунослар колхоз-совхозлардан келган «оқ олтин» карвонларини тез қабул қилиб оладилар. Шунинг учун ҳам деярли барча пунктларда эталонлар тахт қилиб қўйилди.

Заводларда ва тайёрлов пунктларида ишчи зоналарига асфальт ётқизиш юзасидан катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш мўлжаллаб қўйилган эди. Ҳозиргача 70 минг квадрат метрга яқин майдонга асфальт ётқизилди. Шу йилнинг 1 сентябригача яна 10 минг квадрат метр жой асфальт қилинади.

Асбаб-ускуналарни капитал ва жорий ремонт қилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Мавжуд 497 та пахтани қабул қилиб транспортер лентасига узатиб берувчи механизмларнинг 85 проценти тахт қилиб қўйилди. «ТЛХ-18» маркали лентали транспортёрларнинг 80 проценти ёки 360 таси ремонтдан чиқарилди. 40 та қуритиш-тозалаш цехининг кўпчилиги пахтани қабул қилишга тайёр қилиб қўйилди. Барча цехлар узоғи билан шу йилнинг 1 сентябригача капитал ремонтдан чиқарилади.

Барча заводлар, пахтани қуритиш ва тозалаш цехлари ҳамда тайёрлов пунктлари коллективлари белгиланган капитал ремонт ишларини яқин кунлар ичида тамомлашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шу кунларда корхоналарда ва трест бўйича тузилган қабул комиссиялари аъзоларининг қўли-қўлига тегмаяпти. Улар жойларда ремонт қилинган бинолар, асбоб-ускуналар, майдончаларни синчиклаб текширувдан ўтказиб, фойдаланиш учун қабул қилмоқдалар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу йил пахта тозалаш заводлари қаторига яна бир корхона қўшилади. Ўрта Чирчиқ районининг Қорасув қишлоғида қад кўтарган бу корхона пахта тозалаш саноати техникасининг энг сўнгги ютуқлари асосида ускуналанган. Завод ишлаб чиқаришда газдан фойдаланилади, унинг барча цехлари иситилади. Бу ерда пахта хом ашёсини тозалашнинг регламентлашган технологик жараёни қўлланилади. Бу янгиликдан фойдаланиш «оқ олтин» толаларини сифатли ажратиб олишни таъминлайди.

Янгийўл ва «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» пахта тозалаш заводларида янги тозалаш цехлари монтаж қилинаяпти. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» заводидаги цех бу йил фойдаланишга топширилади. Бу цехларда машинада терилган пахтадан юксак сифатли толалар ажратиб олинади. Уларнинг асбоб-ускуналари замонавий бўлиб, пухта ва тез ишлайди. Келажакда бундай цехлар сонини кўпайтириш назарда тутиляпти.

Пискент ва Бўка пахта тозалаш заводлари ишлаб чиқаришида ҳам янгиликлар бўлади. Бу корхоналарда линтларни ажратиб олувчи батареяларда ишга туширилади. Бу батареяларда чигитда қолган линт учинчи бор ажратиб олинади. Натижада ҳар бир тонна чигитдан линт ажратиб олиш анча кўпаяди. Бу эса халқ хўжалигининг ана шу муҳим маҳсулотга нисбатан тобора ортиб бораётган эҳтиёжлари учун ҳар йили қўшимча юзлаб тонна линт етказиб бериш имконини беради.

Айрим пахта тозалаш заводларида «СБ-10» маркали янги пахта қуритиш сушилкалари қурилмоқда. Жумладан, бу йил Бекобод, Далварзин, Пискент, Чиноз пахта тозалаш заводларида шундай агрегатлардан фойдаланиш йўлга қўйилади. Бу сушилкаларнинг шу вақтгача ишлатиб келинган сушилкаларга нисбатан қатор афзалликлари бор. У унумли ишлайди, пахта таркибидаги намни тез ажратиб олади. Уларни эксплуатация қилиш анча осон.

Бўка ва Пискент пахта тозалаш заводларида линтни прессловчи янги агрегатлар монтаж қилинди. Чиноз пахта тозалаш заводида эса толани прессловчи янги қурилма ўрнатилди. Бу прессларда барча операциялар механизациялашган. Қўл кучи жуда кам талаб қилинади. Бу эса меҳнат шароитини яхшилаш, унумдорлигини бир мунча оширишга олиб келади.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бераяпмиз. Олий техника курсларида юзлаб мутахассис қайта тайёрланди. Ҳаммаси бўлиб бу йил 700 га яқин классловчи, лаборант, пахта қуритиш ва тозалаш цехлари мастерлари, заводларнинг смена мастерлари, электрик, джинчи, линтчи ва бошқа касбдаги пахта тозаловчилар бу курсларни тугатиб чиқди.

Трестимиз корхоналари ўтган йилги пахтани тозалаш ишларини тугатишди. КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорларидан бениҳоя руҳланган, енгил саноат эҳтиёжлари учун сифатли пахта толаси етказиб бериш йўлида фидокорлик кўрстаётган ишчи ва хизматчиларимиз шу йилнинг етти ойлик давлат планини деярли барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажардилар. Маҳсулотни реализация қилиш ҳажми белгиланганидан 7,9 процент ортиқ бўлди. Пландагига қўшимча 9 миллион 285 минг сўмлик пахта толаси, линт мижозларга етказиб берилди. Шу давр ичида қўшимча 3500 тоннадан кўпроқ пахта толаси, 1700 тоннадан кўпроқ линт ишлаб чиқарилди.

Заводларимизда тайёрланаётган тола мамлакатимизнинг жуда кўп тўқимачилик корхоналарига етказиб берилмоқда. Мижозларимиз орасида чет эл мамлакатлари ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозир биз ГДР, ВДР, ҚХДР, Чехословакия, Руминия, Польша сингари социалистик мамлакатларга маҳсулот юбориб турибмиз. Англия, Канада ҳам корхоналаримизда ишлаб чиқарилган толалар, Ливан уруғлик чигитни харид қиляпти. Ўтган етти ой ичида чет эл мамлакатларига ўнлаб минг тонна пахта толаси жўнатилди.

Трестимиз коллективи қўлга киритилган ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш, барча корхоналар, тайёрлов пунктларини тўққизинчи беш йиллиқнинг биринчи йилида етиштирилган пахта ҳосилини тез ва соз қабул қилинишини таъминлаш учун барча чора-тадбирларни амалга оширади. Кеча Тошкентда очилган мамлакат пахта тозалаш саноати ходимларининг кенгаши саноатимизнинг бу тармоғини янада ривожлантириш, унда техника тараққиётини жадаллаштириш билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни кўриб чиқади.

Биз бундан кейинги фаолиятимизда кенгаш кўрсатмаларига оғишмай амал қиламиз.

ЧЎПОНЛАРНИНГ ЭЪТИРОЗЛАРИ

Дарҳақиқат, меҳнатдан келиб бойлик, турмуш бўлмоқда чиройлик. Яйловларни кезсангиз, совхоз марказини айлансангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Совхоз маркази кичкинагина шаҳарчани эслатади. Ҳар бир отар ёнида чўпонлар учун типовой уй қуриб берилган. Бу ерда 2 меҳмонхона, ошхона, иккита ўн йиллик ўрта мактаб, гараж, омборхона қад кўтарган. Ҳар бир уйда телевизор, радио бор. Ҳаммом, салкам минг ўринли клуб битиш арафасида.

Биз Жамбул номли совхозда бўлганимизда ҳам хўжаликни ободонлаштириш юзасидан талайгина ютуқлар қўлга киритилганлигини кўрган эдик. Бу совхозда ҳам учта мактаб-интернат, иккита ўн йиллик, битта саккиз йиллик мактаб чўпон болалари хизматида. Ҳозир уларда 750 дан ортиқ чўпон болалари таълим олмоқда.

Марказда касалхона ишлаб турибди. 20 ўринли бу касалхонага ёш мутахассис Валиев бош врачлик қилмоқда. Иккита фельдшерлик, 6 та санитария пункти чўпонлар соғлиғи тўғрисида қайғурмоқда.

Ачиқўл — Сергели маршрути бўйлаб ҳар куни икки маҳал шаҳарга самолёт қатнаб турибди.

— Беш йилликнинг биринчи йилида, — дейди Аббос хўжа ака, — қурилиш ишлари учун 170 минг сўм пул ажратилди. Шу ҳисобдан чўпонларга яна 10 та уй, 5 та қўра қурилади. Марказда эса икки хонали учта уй қурилиши бошлаб юборилади. Бу ишларга Кенжабой Журунов бошчилик қилмоқда.

Жамбул номли совхозда ҳам янги беш йилликда қурилиш кўлами кенгаяди.

— Келгусида, — дейди Раҳматилла ака, — яна битта ўн йиллик мактаб-интернат, болалар боғча ва яслиси, 50 та турар-жой, пионер лагери қуришни мўлжаллаб қўйибмиз. Шунингдек, бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар ҳам қурилади.

Булардан кўриниб турибдики, ҳар икки совхозда қўйчиликни ривожлантириш, ободонлаштириш юзасидан талайгина ишлар бажариб қўйилди. Булар, албатта фидокорона меҳнат самараси, булар ҳар бир кишини қувонтиради.

Лекин, бу ютуқлар чегара эмас. КПСС XXIV съезди қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш юзасидан янги талабларни қўйди. Ҳар икки совхоз чўпонлари съезд қароларини кенг муҳокама қилиб, тўққизинчи беш йилликда қўйчиликни ривожлантириш юзасидан янги марраларни қўлга киритиш, бунинг учун мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланиш мажбуриятини олдилар.

Янги беш йилликнинг охирига бориб Жамбул номли совхозда қўй-эчкилар 1971 йилга нисбатан беш минг бош кўпаяди. Совлиқлардан қўзи олиш 25 минг 150 тага етади. Бошқача қилиб айтганда, чўпонлар илғор усулларни қўлланиб, зооветеринария фани ютуқларидан фойдаланиб, беш йил мобайнида совлиқлардан 116 минг қўзи олишни мўлжаллаб қўйдилар. Ҳар юз совлиқдан пландаги 87 ўрнига 90 дан ошириб қўзи олинади.

Янги талаблар, янги вазифаларни беками кўст ошириб адо этиш учун бир қатор муаммолар борки, уларни ҳал этмасдан туриб, кўнгилдаги натижаларга эришиб бўлмайди. Бу муаммолар нималардан иборат?

— Маълумки,— дейди Раҳматилла ака Саъдуллаев, — ҳозир биз истеъмол учун ҳам, қурилиш ишлари учун ҳам сувни Сирдарёдан ташиб келтирмоқдамиз. Бунинг учун ҳар йили қанчаданқанча маблағ сарф бўлаяпти. Хўш, қачонгача бу аҳвол давом этади? Хўжаликларни водопровод сувлари билан таъмин этиш мумкин эмасми?

Бу ҳақда кўпдан буён гап бўлмоқда. Ҳатто ҳар икки совхоз марказий участкаларига келтириладиган водопроводнинг смета-лойиҳа ҳужжатлари ҳам тузиб чиқилган. Бу лойиҳа ҳужжатлар бўйича 650 минг сўм сарф бўлиши керак.

Область совхозлар трести беш йилликнинг биринчи йилида бу иш учун 125 минг сўм пул ажратиб, ишни бошлашни яйлов мелиорация область трести зиммасига юклади.

Биз буни эшитиб хурсанд бўлдик. Ана энди яйлов-мелиорация трести тайёр лойиҳа бўйича ишни бошлаб юборса керак, деб кута бошладик. Бироқ, трестдаги ўртоқлар ҳамон ишни пайсалга солмоқдалар. Улар аввалига «труба, мотор йўқ» деб баҳона қилади, кейинги пайтда эса «Бизнинг ҳисобга ўтказилган 125 минг сўм учун алоҳида лойиҳа тузайлик, бўлмаса ишни бошлаш қийин» деган баҳонани рўкач қилмоқдалар.Бу сўзда, бу баҳонада қандай мантиқ бор? Асосий лойиҳа тайёр-ку!? Ортиқча сарф-ҳаражат, оворагарчиликларнинг кимга кераги бор? Яйлов-мелиорация область трести раҳбарлари, сизлар бунга нима дейсизлар?

КЕЛЕС МАССИВИДАН ХАТ

— Биз маданий-маиший қурилишлар учун ўз вақтида маблағ ажратилишини истардик, ,— дейишади Жамбул номли совхоз коммунистлари, — хўжалигимизда кўп йиллардан буён марказий Тошкент Чордара магистрали билан боғлайдиган 25 километрлик йўл қурилишини амалга оширолмай келаяпмиз. Тегишли ташкилотлар эса бу соҳада бизга жуда сust ёрдам бермоқдалар.

— Деҳқон кун ёғса тинади, чўпон эса тиним билмайди,— дейди Охунбобоев номли совхоз директори Аббосхўжа ака Бакиров, — демоқчиманки, чўпонлар тўғрисида гамхўрлик қилишни, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни кучайтириш керак. Нима учун чўпонлар учун санаторий, дам олиш уйлари ташкил этиш мумкин эмас?

Гап илғор тажриба, ўзаро социалистик мусобақа ҳақида кетганида Аббосхўжа ака ҳақ гапни айтди.

— Биз Жамбул номли совхоз билан қўшнимиз, — деди у. — Бизнинг хўжалигимизда ҳам, у совхозда ҳам бир-биримизга ўргатишга, бир-биримиздан ўрганишга арзийдиган тажриба бор. Ҳар икки совхозда ҳам кейинги беш-олти йилда кўплаб моҳир чўпонлар етишиб чиқди. Афсуски, биз қўшнилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа ҳалигача яхши йўлга қўйилгани йўқ. Уйлайманки, бу камчиликни ҳамкорликда тугатиш, ҳар икки совхоз ўртасида ўзаро социалистик мусобақани, ўзаро тажриба алмашишни кенг йўлга қўйиш умумий юксалишимизга ёрдам беради.

Янги ерларни ўзлаштириш ҳақида гап кетганида ҳам ҳар икки совхоз мутахассислари яйлов-мелиорация область трести фаолиятидан норози эканликларини айтдилар:

— Қани, энди трест ёрдам берса, биз кўплаб ерларни ўзлаштириб, сув чиқарардик. Ўзимизда маблағ бор. Ана шу маблағлардан фойдаланиб, кам деганда 300-400 гектар ерни ўзлаштирса бўлади. Лекин, бизда техника йўқ. Трест бу соҳада лоқайдлик қилмоқда. Янги ерларни ўзлаштиришда техника билан етарли ёрдам бермаётир.

Ҳар икки совхоз Тошкентдан чамаси 150—200 километр узоқликка жойлашган. Чорвадор мутахассислар, олимлар совхозга келиб, турли темаларда семинарлар) суҳбатлар ўтказиб туришса биз хурсанд бўлардик. Ёзувчилар, газета ходимлари ҳам хўжалигимизга тез-тез қадамранжида қилишларини истардик, — деб айтишди бу совхозларнинг чўпонлари.

Тажриба ва фан ҳамкорлиги ҳамиша янги ютуқлар келтиради. Хўш, чорвачилик илмий-текшириш институти мутахассислари бу совхозларга қандай ёрдам кўрсатмоқдалар?

— Биз чорвадор мутахассислардан совхозимизга биркитиб қўйилишини истардик, — дейди Аббосхўжа ака,— улар билан доимий ҳамкорлик ўрнатиб наслчилик ишларини яхшилашда доимий ёрдамларига таянсак, ёмон бўлмасди, Тўғри, улар хўжалигимизга келиб туришмайди, десак ёлғончи бўламиз. Лекин, уларнинг совхозга келиши гастролга келган артистларнинг фаолиятига ўхшаб кетади. Шошилинч келишади, у ёки бу бўлимга бориб, чўпонлар иши билан шунчаки танишишади, маълумотлар сўрашади. Ана шундан сўнг яна шошилинч жўнаб кетишади. Улар хўжалигимиз эришаётган ютуқлар, тажрибакор чўпонлар фаолияти билан чуқур ва атрофлича таниссалар, аҳволни атрофлича таҳлил қилсалар, ёмон бўлмасди.

Қишлоқни ободонлаштириш, хўжалик эҳтиёжи учун зарур бўлган замонавий техника ва бошқа воситаларни етказиб бериш, қурилиш ишларини тезлаштириш ва сифатини яхшилашда оталик ёрдамининг роли катта бўлиши керак. Кейинги пайтларда бу масалага, айниқса, алоҳида эътибор берила бошланди. Кўпгина саноат корхоналари бу соҳада ўз фаолиятларини қайта кўриб чиқиб хўжаликларга оталик ёрдамини кучайтириб юбордилар.

Сизларда бу масала қандай?

Ана шу савол билан ҳар икки совхоз раҳбарларига мурожаат қилганимизда улар елка қисдилар. Ҳатто совхозни қайси корхона оталикка олганлигини ҳам айтиб бера олмаднлар. Бу ажабланарли эди!

Биз область совхозлар трестига бу масалада мурожаат қилдик. Уердаги ўртоқлар рўйхатни кўздан кечириб, Жамбул номли совхозни Янгийўлдаги 8-автопарк, Охунбобоев номли совхозни эса марказлаштирилган юк ташиш трестига қарашли 3-автокомбинат оталикка олганлигини айтдилар. Кўриниб турибдики, оталик ёрдами ҳақида гап бўлган, қайси ташкилот, қайси корхона қайси хўжаликка ёрдам бериши хусусида келишилиб, рўйхат тузилган-у, иш бундан нарига ўтмаган.

Чўлда ташкил этилган, қўйчилик совхозлари раҳбарлари, мутахассислари, илғор чўпонлар хўжаликни юксалтириш билан бевосита боғлиқ бўлган яна кўп эътирозларни билдирдилар. Бу эътироз, таклифлар, истаклари диққат билан ўрганиб, зарур тадбирларни кўриш керак. Уйлаймизки, алоқадор ташкилотлар бундан тегишли хулоса чиқариб оладилар.

Н. РИХСИЕВ,
Т. ҒАНИЕВ.

Пахта тозалаш саноатига қарашли марказий илмий-текшириш институтида автоматика лабораторияси асосий бўлимлардан бири ҳисобланади. Бу ерда пахта тозалаш заводларидаги асосий жараёнларни автоматлаштириш мақсадида муҳим илмий ишлар олиб борилади. Суратда: шу лабораториянинг катта инженери Регина Старкова иш устида.

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

МАШИНА ТЕРИМИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

Бу йил пахтакор деҳқонларимиз ва механизаторларимиз КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди қарорларини амалга ошира бориб, она Ватанга 4 миллион 400 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, камида 2 миллион тонна пахтани техника ёрдамида териб олишдек юксак вазифани бажаришлари керак.

Изланишлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунга қадар пахтани машинада териб олишда техника билан етарли ёрдам бермаётир.

Ҳар икки совхоз Тошкентдан чамаси 150—200 километр узоқликка жойлашган. Чорвадор мутахассислар, олимлар совхозга келиб, турли темаларда семинарлар) суҳбатлар ўтказиб туришса биз хурсанд бўлардик. Ёзувчилар, газета ходимлари ҳам хўжалигимизга тез-тез қадамранжида қилишларини истардик, — деб айтишди бу совхозларнинг чўпонлари.

Тажриба ва фан ҳамкорлиги ҳамиша янги ютуқлар келтиради. Хўш, чорвачилик илмий-текшириш институти мутахассислари бу совхозларга қандай ёрдам кўрсатмоқдалар?

— Биз чорвадор мутахассислардан совхозимизга биркитиб қўйилишини истардик, — дейди Аббосхўжа ака,— улар билан доимий ҳамкорлик ўрнатиб наслчилик ишларини яхшилашда доимий ёрдамларига таянсак, ёмон бўлмасди, Тўғри, улар хўжалигимизга келиб туришмайди, десак ёлғончи бўламиз. Лекин, уларнинг совхозга келиши гастролга келган артистларнинг фаолиятига ўхшаб кетади. Шошилинч келишади, у ёки бу бўлимга бориб, чўпонлар иши билан шунчаки танишишади, маълумотлар сўрашади. Ана шундан сўнг яна шошилинч жўнаб кетишади. Улар хўжалигимиз эришаётган ютуқлар, тажрибакор чўпонлар фаолияти билан чуқур ва атрофлича таниссалар, аҳволни атрофлича таҳлил қилсалар, ёмон бўлмасди.

Қишлоқни ободонлаштириш, хўжалик эҳтиёжи учун зарур бўлган замонавий техника ва бошқа воситаларни етказиб бериш, қурилиш ишларини тезлаштириш ва сифатини яхшилашда оталик ёрдамининг роли катта бўлиши керак. Кейинги пайтларда бу масалага, айниқса, алоҳида эътибор берила бошланди. Кўпгина саноат корхоналари бу соҳада ўз фаолиятларини қайта кўриб чиқиб хўжаликларга оталик ёрдамини кучайтириб юбордилар.

Сизларда бу масала қандай?

Ана шу савол билан ҳар икки совхоз раҳбарларига мурожаат қилганимизда улар елка қисдилар. Ҳатто совхозни қайси корхона оталикка олганлигини ҳам айтиб бера олмаднлар. Бу ажабланарли эди!

Биз область совхозлар трестига бу масалада мурожаат қилдик. Уердаги ўртоқлар рўйхатни кўздан кечириб, Жамбул номли совхозни Янгийўлдаги 8-автопарк, Охунбобоев номли совхозни эса марказлаштирилган юк ташиш трестига қарашли 3-автокомбинат оталикка олганлигини айтдилар. Кўриниб турибдики, оталик ёрдами ҳақида гап бўлган, қайси ташкилот, қайси корхона қайси хўжаликка ёрдам бериши хусусида келишилиб, рўйхат тузилган-у, иш бундан нарига ўтмаган.

Чўлда ташкил этилган, қўйчилик совхозлари раҳбарлари, мутахассислари, илғор чўпонлар хўжаликни юксалтириш билан бевосита боғлиқ бўлган яна кўп эътирозларни билдирдилар. Бу эътироз, таклифлар, истаклари диққат билан ўрганиб, зарур тадбирларни кўриш керак. Уйлаймизки, алоқадор ташкилотлар бундан тегишли хулоса чиқариб оладилар.

Н. РИХСИЕВ,
Т. ҒАНИЕВ.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

барглари жуда эрта муддатларда дорилаб тўкдирилганда, пахта ҳосили камаяди. Шунинг учун ҳар бир колхоз ва совхозда ғўза биологик жиҳатдан етилса, хўжаликлар жойлашган иқлим шароитига қараб ўз вақтида дориланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Пахта майдонларини теримга тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун терим олдидан участканинг бош ва этак қисмидан 8—10 метр кенглиқда қайрилиш майдонча-си тайёрланади, дала ўртасидаги ўқариқларни охирги сувдан кейин, ер етилиши биланоқ кўмиб текисланади. Охирги культивация, ўқариқлар ва қайрилиш майдончаларига тегишли ишларни ер етилиши билан ўтказилиши натижасида кесак кўпчишинг олди олинади. Бу эса тупроқ майинланишини ва терим пайтида машиналарнинг равон юришини таъминлайди.

Машина терминнинг муваффақияти — машина ҳайдовчи малакаси ва унга топшириб қўйилган техника қандай ишлатилишига боғлиқ. Ҳар бир механизатор терим машинаси — ташилишини, уни бошқаришни ва иш пайтида айрим қисмларини созлашни жуда мукаммал ўрганиб олиш билан бирга техника ремонтида ўзи бевосита қатнашиши ва ремонтдан кейин ҳам техника қаровини ўз вақтида ўтказиши керак.

Оққўрғон районидаги Димитров номли колхоз аъзолари 1971 йилда, йил бўйи ҳалол меҳнат қилиб, юқорида қайд қилинган тадбирларни амалга ошира бориб, қуйидаги муваффақиятларга эришдилар: 965 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 31,4 центнердан ҳосил кўтардилар. Умумий етиштирилган ҳосилнинг 80 процентидан кўпроғи терим машиналари ёрдамида йиғиб-териб олинди.

Шу район территориясида жойлашган К. Маркс номли колхоз аъзолари эса, ўзларининг меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланмай, пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш тадбирларига тўла амал қилмадилар. Бунинг натижасида К. Маркс номли колхоз Димитров номли колхозга қараганда ҳар бир гектар пахта майдонидан, 11,2 центнердан кам ҳосил олди, етиштирилган умумий ҳосилнинг фақатгина 54 процентигина машиналарда териб олинди. Бу эса 1 центнер пахта ҳосилини етиштиришга сарфланган одамкунларнинг ошишига сабаб бўлди. К. Маркс номли колхозда 5,26 одам-куни сарфланган бўлса, Димитров номли колхозда 3,2 одам-куни сарфланган. Димитров номли колхозда ишчи-кучларидан, машина терими тадбирларидан тўғри фойдаланишлик, етиштирилган ҳар бир центнер пахта ҳосили — таннархи К. Маркс номли колхоздагига қараганда 2,65 сўм, камайишига сабаб бўлди. Пахтани мўл ва арзон қилиб етиштирган Димитров номли колхоз аъзолари, ўзларининг ҳар бир одам-кунларига 8,11 сўмдан пул ҳақи олган бўлсалар, К. Маркс номли колхоз аъзолари нкки баробар кам ҳақ олдилар. Димитров номли колхознинг меҳнат унумдорлиги К. Маркс номли колхоздагига нисбатан 40 процентга ошиқ бўлди.

Пахта териш техникасидан унумли фойдаланиб келаётган хўжаликлардан бири, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги»колхозидир. Бу колхоз бир неча йиллардан бери машина терими тадбирларини тўғри амалга оширa бориб, катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Колхоз пахтакорлари, 1054 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 31,7 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олдилар. Ҳосилдорликни 1965 йилга нисбатан гектарига 8,4 центнерга кўпайтирдилар. 1965 йилда умумий ҳосилнинг 16 процентини машиналарда терган бўлсалар, 1970 йилда 82 процентидан кўпроғини машиналар ёрдамида тердилар.

«Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бундай юқори кўрсаткичларга эга бўлиши, пахтачиликдаги иш жараёнларини машиналаштириш, ва, энг муҳими, машина теримига ҳамда уни унумли ишлатиш тадбирларига амал қилишдадир.

Машинанинг нимага қодир эканлигини билган колхоз фидокорлари съезд йилида етиштирилаётган ҳосилнинг ҳаммасини машиналар ёрдамида териб олишга ҳаракат қилмоқдалар ва давлатга гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етказиб бериш учун курашмоқдалар.

П. ИБРОҲИМОВ,
Узбекистон ССР Фанлар академияси иқтисод институти илмий ходими.

САБЗАВОТКОРЛАР ҲИММАТИ

КАЛИНИН районидаги Калинин номли колхоз аъзолари бир неча йиллардан бери мўл-кўл сабзавот етиштириб келмоқдалар.

Анвар Айдаров бошчилик қилаётган 4-бригадани олайлик. Кекса коммунист, уста соҳибкор Анвар ака бригадаси 3—4 йилдан бери илғорлар қаторидан тушмай келаётир.

— КПСС XXIV съезди қарорларидан илҳомланган деҳқонларимиз, — дейди Анвар ака, — мавжуд 45 гектар ердан 759 тонна сабзавот етиштириш мажбуриятини олганлар. Шу кунгача 240 тоннадан знёд сабзавот шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилинди. Йил охиригача 49 тонна пиёз етиштиришни мўлжаллаган бўлсак, буни ярим йилликнинг ўзидаёқ бажардик.

Қобил Фозилов, Тожиевой Исматов, Зумрад Худойберганова каби бригада жонкуярлари ҳозир эртаги экинларни йиғиштириб, кечки экинларни суғориб, озиқлантиришяпти. Кунига 11—12 тоннадан ҳосил олиняпти.

Мўл ҳосил етиштириб, таннархни арзонлаштириш мақсадида механизациядан унумли фойдаланаётган 5-бригада ҳам илғорлардан ҳисобланади. Бригадага коммунист Солиҳ ака Каримов раҳбар. Ўз икмониятларини ҳисобга олган бригада коллективи 64 гектар ерда 788 тонна сабзавот етиштириш ниятида.

Шу вақтгача 270 тонна сабзавот топширилди. Эртаги картошка тайёрлаш йиллик плани ярим йилдаёқ бажарилди.

Яқинда ўтказилган текширишда 5-бригада сабзавот етиштиришда бригадалар ичида олдинда бораётгани, эртаги экинлардан мўл ҳосил кўтариш билан бир қаторда ўртаги, кечки экинлар парваришини ҳам қамунали йўлга қўйганини аниқланди. Солиҳ Каримов бригадасига колхоз маъмурияти томонидан бригадаларарo таъсис этилган Қизил Байроқ берилди ҳамда 1 та қўй билан мукофотланди.

Ф. ИСАЕВ.

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

ДЕҲЛИДАГИ МИТИНГ

ДЕҲЛИ, 18 август. (ТАСС мухбири). Бугун Ҳиндистон пойтахти Деҳли жамоатчилигининг СССР билан Ҳиндистон республикаси ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланишига бағишланган митинг «Яшасин Ҳиндистон — Совет шартномаси!», «Ҳиндистон — Совет шартномаси — империалистларнинг Осиёдаги найрангларига қақшатғич зарба!» деган шиор остида ўтди.

Митингда Ҳиндистон Ташқи ишлар министри Сваран Сингх нутқ сўзлади. У шартноманинг асосий моддаларига батафсил тўхталиб ўтди. Министр алоҳида таъкидлаб айтдики, шартнома бошқа бирор мамлакатга қарши қаратилган эмас. Бу— умумий тинчликни таъминлаш ғоят зарур эканлигини акс эттирган ҳужжатдир.

С. Сингх Ҳиндистон — Совет муносабатларининг энг муҳим жиҳатларига тўхталиб, бундай деди: Ҳиндистон билан СССР Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, шунингдек бошқа халқаро анжуманларда доим умумий тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашни кескин ёқлаб чиқмоқдалар, халқаро кескинликни юмшатиш, мустамлакачилик ва ирқчиликнинг ҳамма формалари ва кўринишларига барҳам беришга қаратилган тадбирларни тинмай амалга оширмоқдалар. Сваран Сингх яна айтдики, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик Ҳиндистоннинг иқтисодий ва социал тараққиёт йўлидан муваффақиятли суратда олға ҳаракат қилиб боришига салмоқли ҳисса қўшади.

Митинг қатнашчилари қабул қилган баёнотда бундай дейилади: Ҳиндистон — Совет шартномаси Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда тарихий воқеадир. Деҳли гражданлари, дейилади баёнотда, тинчлик ва миллий мустақиллик учун, мустамлакачилик ва ирқчиликни тугатиш учун, қуролсизланиш учун курашнинг энг муҳим масалалари борасида ҳар иккала мамлакатнинг ҳамкорлиги ва биргаликда ҳаракат қилишини кўзда тутган шартномани қизғин табриклайдилар.

АҚШНИНГ БМТДАГИ НАЙРАНГЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 август. (ТАСС). АҚШ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари У Танга мурожаат қилиб, «Хитойнинг БМТдаги вакиллиги» тўғрисидаги масалани Бош ассамблеянинг яқинда ўтказиладиган XXVI сессияси кун тартибига киритишни сўради.

Америка делегати Буш У Танга йўлланган хатида Хитой Халқ Республикасидан «вакил бўлиши лозим» эканлигини таъкидлагани ҳолда, чанкайшичилар режимининг вакилини ана шу халқаро ташкилотдан чиқариб юборишга қарши эканлигини билдиради. Маълумки, чанкайшичилар режими Қўшма Штатларнинг доим қўллаб-қувватлаши билан кўп йиллардан буён Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ўрнини қонунга хилоф равишда эгаллаб келмоқда. Қўшма Штатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тақдим этган таклифи «икки Хитой» сиёсатидан бошқа бир нарса эмас.

ТАРИХИЙ САНА

ХАНОЙ, 18 август. (ТАСС). Эртага Вьетнамда август революциясига 26 йил тўлади. Шу революция ғалабаси натижасида 1945 йилнинг 2 сентябрида Вьетнам Демократик Республикаси эълон қилинган эди.

Улуғ Октябрь Социалистик революцияси собиқ мустамлака ва ярим феодал мамлакатда революцион ҳаракатнинг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди. Вьетнам коммунистлари раҳбарлигидаги меҳнаткаш халқнинг фидокорона кураши революцияни ғалабага олиб келди. Совет Армияси жаҳон фашизми кучларини қақшатғич тор-мор келтирилганлиги август революциясининг муваффақиятига ёрдам берди.

Мардонавор Вьетнам халқи кураш ва ғалабалар тарихий йўлини босиб ўтди. Вьетнам халқи ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиб, француз мустамлакачиларини батамом тор-мор келтирди. ВДР халқи ўзининг яратувчилик меҳнати билан социалистик қурилишда муҳим-муҳим муваффақиятларга эришди. АҚШ империалистларининг агрессиясига қарши кураш йилларида бир ёқадан бош чиқарган Вьетнам халқи чинакам қаҳрамонлик кўрсатди, ҳозирда ҳам шундай қилмоқда.

ВДР халқи ва қуролли кучлари АҚШ олиб борган ҳаво урушининг оғир синовларига Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг раҳбарлиги остида шараф билан чидаш берди, ишонч билан социализм қуряпти ва Вьетнам революциясининг социалистик ғалабаларини ҳушёрлик билан қўриқламоқда.

Миллий озодлик фронти билан Жанубий Вьетнам Республикаси мувақкат революцион ҳукумати эргаштириб бораётган Жанубий Вьетнам ватанпарварлари АҚШ ва унинг малайларининг экспедициячи корпусига муваффақиятли зарбалар берди ва ҳозирда ҳам шундай қилмоқда.

Вьетнам проблемасини сиёсий йўл билан бартараф этиш тўғрисидаги тинч таклифларни рад этиб, Ҳинди-Хитойдаги урушни чўзиб ва кенгайтириб бораётган АҚШнинг хатти-ҳаракатлари ва найрангларига жавобан ҳозирги вақтда Вьетнам халқи Лаос ва Камбоджа халқлари билан ёнма-ён туриб, АҚШнинг агрессив режалари, кирдикорларини барбод этиш учун олиб бораётган курашини кучайтирмоқда.

Қаҳрамон Вьетнам халқи август революцияси санасини нишонлаб, президент Хо Ши Мин васиятини бажо келтира бориб, ўзининг туб миллий ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқ учун эришилган ғалабаларни ривожлантириб боришга аҳди-паймон қилган. Вьетнам халқи ўзининг эришган ҳамма ғалабалари Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар ва бутун илғор инсониятнинг қардошларча ҳар томонлама мадади ва ёрдами билан чамбарчас боғланганлигини ғоятда миннатдорчилик билан таъкидлайди.



МХР. Улан-батордаги энг йирик энергетика саноати ҳисобланган теплоэлектростанция қурилиши тўрт йил давом этди. Бу иншоот қурилишида Совет Иттифоқидан келган мутахассислар монголиялик қурувчи-энергетиклар билан елкама-елка туриб ишлади. Суратда: Улан-батордаги ТЭЦ.

А. ЕЛАНЧУК фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ҲАММА НАРСА МУҲАЙЁ

ЭЛГА ХИЗМАТ ОЛИЙ ҲИММАТ





Студентлар шаҳарчаси тобора обод бўлиб, гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда жамоат бинолари билан бир қаторда студентларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари ҳам қад кўтариб, уларни мамнун қилмоқда.

Яқинда ишга туширилган мана бу бино шаҳарчадаги бошқа бинолардан фарқ қилиб турибди. У замонавий лойиҳа асосида қурилган бўлиб, бу ерда студентлар овқатланадилар. Бу ерда диссертация ёқлаш, йиғилиш ва комсомол тўйлари ўтказишга мўлжалланган заллар бор. Комбинатга «Табассум» номи қўйилиши мўлжалланмоқда.

Биринчи қаватда «Новинка» трикотаж ателъеси фабрикасининг маҳсулотлари қўйилган, Ленин номидаги фабрикининг бичиқчи, тикувчилари ҳам шу ерда: харидорлар ўзларига муносиб хушбичим қўйлак ва костюм буюришлари мумкин. Саккиздан ортиқ хонада бичиш, тиқиш машиналари жойлашган. Буюртмачиларнинг кийим-бошлари тикилмоқда.

Трикотаж фабрикасининг бичувчиси В. Аъзамов бундай дейди:

— Ҳозир буюртма қабул қила бошладик. Биз уларни тез ва соз қилиб тикиб берамиз.

— Фабрика филиалларида турли хил костюмбоп материаллар ҳам мавжуд,— дейди Ленин номли фабрика бичиқчиси Л. Пайзаков,— ҳар қандай буюртмани қабул қилиш имкониятига эгамиз. Уни узоғи билан беш-ўн кунда тайёрлаб берамиз.

«5 декабрь» фабрикаси филиалининг мастери А. Айротопян эса мавсумий пойафзаллар учун буюртма қабул қилмоқда:

— Биз фақат мавсумга қараб буюртма қабул қиламиз. Эртаиндин салқин тушса, кузбоп пойафзалларга буюртма қабул қиламиз. Пойафзалларни тикиш ва бичиш ишлари механизация ёрдамида бажарилади.

Пастки қаватда харидор ўзига-ўзи хизмат қилувчи озиқ-овқат магазини бор.

Комбинат директори Аброр Аҳроров билан суҳбатлашдик. У комбинат коллективи студентларга қандай хизмат қилаётгани тўғрисида гапирди. У пазандалардан айниқса миннатдор, Ошхонада ўттиз йилдан бери пазандалик ҳунарини давом эттириб келаётган Ҳалил ака Каримов, унинг шогирдлари М. Муҳитов, Ҳ. Алиев, Х. Одилов, М. Исмонловлар устоз сўзларига амал қилиб, хўрандаларга сифатли, тотли таомлар пиширяпти.

Бу ер ўзига-ўзи хизмат қилиш ошхонаси ҳисобланади.

Мана, юз ўринлик зал. Бу ерда ўзбек миллий таомларидан чучвара, манти, ош, лагмон, грузин овқатларидан чуҳамбели, қовурма товуқ, европача таомлар тайёрланади. Зал ҳар доим хўрандалар билан гавжум. Ёзнинг иссиқ кунларида хўрандаларни муздек ичимлик билан таъминлаш учун холодильниклар ўрнатилган. Стаканлар холодильник устига терилиб қўйилган Хўрандалар шу ердан муздек ичимликларни ўзлари олиб кетаверадилар. 16 ошпаз студентлар хизматида. Залдан чиқиб, муздек ичимлик ичаман десангиз қирқ ўринлик коктельхона ҳам бор. Шунингдек, бу ерда турли бутерброд, сут, қатиқ, пироженое, қандолат маҳсулотлари бор. Ҳамма ёқ саранжом-саришта.

Катта банкет залига кирамиз. Зал юз ўринли бўлиб, атрофи ойнаванд, ёруғ. Унинг олди тарафида ҳам уч юз кишига мўлжалланган айвон бор.

— Бу фақат банкет зали,— дейди Аброр ака,— унинг ёнида яна 50 кишига мўлжалланган кичик зал ҳам бор. Бу ерда миллий таомлар тайёрланади. Ҳамма заллар учун барча жиҳозлар етарли. Ўзбек миллий таомларига сузиладиган нафис чинни идишларимиз бор.

Ошпазларнинг дам олишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам алоҳида хоналар ажратилган.

Айниқса, заллардаги мебелларни айтмасизми? Ўриндиқлар юмшоқ, бири-биридан нафис. ёзалликка эга.

Ошхона ойига 48 минг сўмлик савдо қилади. Бундан кейин ҳам овқатлар хилларини янада кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш тадбирлари белгиланмоқда.

Октябрь ошхоналар трестига қарашли бу комбинат фақат студентлар учун хизмат қилмайди. Жойларда унинг қатор филиаллари бор.

Комбинат қурилганидан студентлар мамнун.

М. ЗАРИПОВ.

Ушбу суратларда студентлар шаҳарчасидаги кафе ва магазиндаги иш пайти тасвирланган.

А. Абалян фотолари.

Спорт

КИЕВЛИКЛАР ИЛГАРИЛАМОҚДА

Киев динамочилари бу йил олтин медалга асосий даъвогарлардан бири эканликларини амалда кўрсатмоқдалар. Украин футболчилари навбатдаги турда «Шахтёр» командасини 4:3 ҳисобида маглубиятга учратиб, кейинги ўринларда бораётган командалар билан бўлган орадаги фарқни янада оширди. Мамлакат чемпионатларида пешқадамнинг бундай фарқ билан олдинга ўтиб олиши жуда камдан-кам учраган. Ҳозирда киевликларни иккинчи-учинчи ўринда бораётган командалар билан 10—11 очко ажратиб турибди. Мавсумда кучли ва бир меёрда ўйин кўрсатаётган «Динамо» ўз олдига қўйган мақсад сари дадил интилмоқда.

Кейинги турларда кетма-кет ғалаба қозониб, турнир жадвалидаги аҳволини бирмунча ўнглаб олган ўтган йилги мамлакат чемпиони Марказий Армия спорт клуби футболчилари ўтган куни ўз майдонларида Олмаотанинг «Қайрат» командасидан 1:0 ҳисобида енгилишди. Ягона тўпни 87 минутда Маркин киритди.

17 август куни ҳам учта ўйин бўлди. СССР кубоги финалчиси, жадвалнинг энг охирги ўринда бораётган Ростов армянчилари Львовнинг «Карпати» командасини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида устун келишди. Тўпларни Чихладзе (2 та) ва Чуркинлар киритди. «Нефтчи» Тбилиси динамочиларини қабул қилиб, 0:2 ҳисобида маглубиятга учради. Грузин футболчиларига ғалаба келтирган иккала тўпни Рехвиашвили киритди. Минск динамочилари 1:0 ҳисобида «Зенит»дан устун келди. Тўп автори Смирнов.

Бугунгача командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ў	Т	О
«Динамо» К	22	38—11	35
«Арарат»	19	24—14	25
«Динамо» М	20	25—10	24
ЦСКА	24	27—22	23
«Карпати»	22	27—31	21
«Динамо» Тб	19	19—24	21
«Заря»	18	20—13	20
«Қайрат»	21	25—29	20
«Нефтчи»	19	24—21	19
«Торпедо» М	18	12—10	18
«Динамо» М	20	21—27	17
«Спартак»	18	19—21	16
«Шахтёр»	20	21—24	16
«Зенит»	20	18—25	16
«Пахтакор»	20	12—34	14
СКА	18	18—28	13

ИСПАНИЯГА, ТУРНИРГА

Москванинг уч командаси — «Торпедо», «Динамо» ва ЦСКА футболчилари Испанияда ўтказиладиган турнирда иштирок этадилар. Москва автозаводчилари биринчи бўлиб сафарга отландилар. Улар эртага «Реал» (Ла-Корунья) командаси билан учрашадилар. 23 августда эса автозаводчилар Польшанинг «Гурник» ёки Сантандернинг «Реал» командаси билан беллашадилар. Динамочилар Бильбао шаҳарида ўтказиладиган турнирда иштирок этадилар. Мамлакат чемпиони — ЦСКА эса Уэльва шаҳрида «Реал» (Мадрид), «Бэтис» (Севилья) ва «Уйпешт» (Будапешт) иштирокида ўтказиладиган турнирда қатнашади.

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИ

Республика чемпионатида қатнашаётган учала группада ўтказилган навбатдаги учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Буревестник» —АСК — 0:6; «Тўқимачи» —«Восток» — 2:1; «Автомобилчи» — «Ержар» — 3:0, «Шахтёр» — УКҚ — 0:3; «Химик» —«Бўка» — 7:0; «Пахтачи» —«Оқ олтин» —1:1; «Меҳнат» —Полярная Звезда» — 1:1; «Спартак» (См.)— «Спартак» (Тр.) — 4:1; «Сокол» —«Лочин» — 0:0.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✦ Пойтахтнинг Урицкий кўчасида «Главташкентстрой»га қарашли «Узколхозстрой» бошқармасининг бунёдкорлари 400 кишига мўлжалланган Ҳамид Олимжон номли маданият уйини қуриб битказдилар.

Х. ЗАИНИДДИНОВ.

* * *

✦ БЕКОБОД. Ойбек номли совхозда янги ресторан ишга туширилди. У замонавий ускуналар ҳамда юмшоқ ўриндиқлар билан жиҳозланган.

Ш. НУРАЛИЕВ.

* * *

✦ КАЛИНИН. 1-«Назарбек» совхозида хўжалик моллари магазини, сартарошхона, чойхона фойдаланишга топширилди. Шу кунларда уч қаватли мактаб биносининг қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Х. ПУЛАТОВ.

* * *

✦ Бешқайрағочдаги Абдулла Қаҳҳор номли маданият уйининг бичиш ва тикиш тўгарагини юздан ортиқ қиз битирди.

У. КАРИМОВ.

* * *

✦ КАЛИНИН. Сабзавот, картошка ва полизчилик илмий текшириш институти ёнида 32-озиқ-овқат моллари магазини ишга туширилди. Меҳнаткашларга хизмат қила бошлади.

Х. ЁҚУБОВ.

ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛМАГАН...

Чин инсонлар орасида кўз кўриб, қулоқ эшитиш ўёқда турсин, улар ахлоқидан ёроқ бу мудҳиш воқеани қаламга олишдан олдин унга «Овчи блокнотидан» деб сарлавҳа қўймоқчи ҳам бўлдик. Лекин, гап инсон қиёфасидаги шахслар устида бораётгани, қолаверса, инсон қадрини аввалгаганимиз учун шундай аташдан тийилиб, шу воқеани сизга ҳавола қилиб қўяқолдик.

Айтингчи, дунёда инсон қадридан кўра қадрлироқ нарса бўлиши мумкинми? Бизнинг одамохун давримизда инсондан афзал, унинг қадр-қимматидан кўра бебаҳо нарса бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳавас қилса арзийдиган бугунги гўзал ҳаётимизга ақл кўзи билан бир назар ташланг. Ҳазрати инсон дўстлик ва ҳамжиҳатлик билан яратган, бунёд этаётган мўъжизалар, бойликлар... инсон бахт-саодати, сиҳат-саломатлиги, тинч осойишта меҳнати ва фаровон турмуши учун эмасми? Ҳа, ҳаммаси инсон учун! Балиқ сув билан тирик бўлганидек, одам одам билан тирик. Тог-тог билан учрашмайди, лекин инсон инсонга ҳар дақиқада рўбарў келади. Қўйингчи, яхши куни ҳам, ёмон куни ҳам инсон билан. Чунки, инсон кўнглидан кўнгил равшан, инсон қадамидан хонадон обод.

Шундай экан, ана энди бир қишлоқда яшаб, бир ариқдан сув ичиб, ҳатто бир дастурхондан нон ушатиб бирга баҳам кўрган мана бу шахсларнинг бири-бирига бўлган «оқибати», бири-бирига бўлган «қадр-қиммати»ни эшитиб кўринг. Баҳоси сариқ чақачалик минерал ўғит учун бир-бирини ҳақоратлаб, иззат-нафсини оёқ ости қилган, бир-бирини таҳқирлаб, ҳатто муштлашиб, бири-бирини ажал қўлига топширишгача бориб етган ана шу «дўстлар» кези келганда бир-бирининг ҳурматига дастурхон ёзиб, мезбонлик қилишган, тўй-ҳашамларда ёнма-ён ўтириб, бир пиёлада чой ичишган.

Калинин район Ўзгариш қишлоқ Советидаги Оржоникидзе номли колхоз қишлоғида яшовчи ака-ука Тошмуҳаммад, Анвар ва Баҳодир Ҳакимовлар куни кеча кўчада ёки иш жойида нигоҳлари нигоҳларига тўғри келганда қўл беришиб соғлиғини, бола-чақасини сўраб юрган ҳамқишлоқлари Умаржон Маҳмудовни ваҳшийларча уриб, ажал ёқасига олиб боришгача етганликларини қандай ибора билан изоҳлаш мумкин? Тил учида шунчаки тилёғламалик билан қилинган ҳурматни, қадр-қимматни қандай тушуниш мумкин?

Хўш, бир-бирларини шунчалик таҳқирлаш, қадр-қимматни оёқ остига қилишга не сабаб бўлди, деган савол туғилиши мумкин.

Минг бор афсус, ҳеч қандай сабабнинг ўзи йўқ. Мана, жаҳжал сабабини ўзингиз бир мулоҳаза этиб кўринг.

...Шу колхознинг бешинчи бригада аъзоси Тошмуҳаммад Ҳакимов колхоз мулки бўлган уч қоп минерал ўғитни ўғринча йўл билан Ниншонбой Эрсинбоев исмли кишига бериб юборади. Эгри қилиқ қирқ йилда ҳам очилади, дейди халқимиз. Лекин, унинг эгри-кўлдиги қирқ соатга ҳам бормади. Ўғирлик бригадирнинг қулоғига етиб борди. Тошмуҳаммаднинг сири очилди. Қўрққанга қўш кўринади эмасми, Тошмуҳаммад ҳар кимдан бирма-бир шубҳа қилиб кўрди. Ахири у, буни бўлса-бўлмаса бригадирга Умар айтган деган ноўрин шубҳа билан ундан қасос олиш ниятида оёқда турол-майдиган маст ҳолда Умарнинг эшигини ғазаб билан тақиллатди:

— Ниншонбойга берган уч қоп селитрамни нима учун бригадирга айтдинг, сотқин?

ОДОБ ВА АХЛОҚ ТЕМАСИДА

Бу сабабсиз ҳақоратга тушиб қолган Умаржон «қанақа селитра, мени ҳеч нарсадан хабарим йўқ» дейиши билан Тошмуҳаммад «мана бунақа селитра» дейди-да. Умарнинг чаккасига мушт туширади. Умар ҳам ўзини ҳимоя қилиш мақсадида уни итариб юборади: ҳар қандай киши ҳам шундай ҳаракат қилиши табиий. Оёғида аранг турган Тошмуҳаммад бу силтовдан гандираклаб бориб йиқилади. Маст эмасми, муздек салқин жой бўлгани учун бирйўла узала тушиб пинакка кетади.

Тошмуҳаммад кайфи тарқагунча шу ерда ётаверсин, сиз гапни мана бу ёқдан эшитинг.

Бу воқеани чала ярим эшитган Тошмуҳаммаднинг укалари Баҳодир билан Анвар Ҳакимовлар сувни кўрмай этикни ечиб, қўлларида бир ярим метрлик сўйил билан олдинма-кетин Умарнинг уйига ўқдек отилиб кириб келишади. Ҳайҳайга қарамай бу безорилар ҳовлининг ўртасида Умарни улоқ қилишади. Гўё пўстак қоқишаётгандек бири қўл билан, чарчагани оёқ билан уни тепкилашаверади.

Шу пайт инсонлик қиёфасини йўқотган Баҳодир Ҳакимов ҳовлида турган кетмонни Умарга қараб отади. Кетмоннинг тиғи Умарнинг орқа миясига келиб тегади. Ўз қонига белашган Умар ҳушидан кетиб, йиқилади. Бехуш ётган Умар устида яна сўйил..яна тепки келиб тушаверади. Чой ўрнига уйидан ароқ ичиб келган укаси Анвар бундан қаноатланмади. шекилли, қайнаб турган саккиз литрли самовардаги сувни олови билан бехуш ётган Умарнинг тепасидан ағдаради. Ўлар шундан кейингина ажал оғзида ётган Умарни ўзларича нариги дунёга «кузатиб» қўйишган бўлиб, бамайлихотир уйдан чиқиб кетишади.

Бу манзарани бир кўз олдингизга келтириб, муштипар онанинг дод-фарёдига қулоқ солиб кўринг. Қалбида жиндек инсонлик диёнати, одамийлиги бўлган киши гўдакларни чирқиллатиб, ўз ҳамқишлоғини шу аҳволга солиб кетиши мумкинми? Йўқ, асло! Фақат инсонлик қиёфасини йўқотган, йиртқич ва разил кишиларгина шундай ишга қўл уришлари мумкин.

Тўғри, ака-ука Анвар билан Баҳодир Ҳакимовлар ўз қилмишларига яраша суд ҳукми билан тегишли жазоларини олиб кетишди. Лекин гап шундаки, калтабин, ва эғриқўл Тошмуҳаммад Ҳакимовнинг кайф пайи билан қилган жинояти оқибатида бир инсоннинг соғлиғи йўқолди, икки укасининг ҳаёти эса заҳарланди, ўзининг бутун қишлоқ аҳолиси олдида юзи шувут бўлди.

Келинг, шу жиноятни бир мулоҳаза гарозисига солиб, ўлчаб кўрайлик. Агарда Тошмуҳаммад кайф билан Умарни уйидан чақиртириб олиб, чеккасига мушт билан туширмаганда, уни ҳақорат қилиб, иззат-нафсига тегмаганда шу жиноят содир бўлармиди?! Бу саволга гўдак ҳам, «йўқ» деб жавоб бериши турган гап. Шундай экан, бу оғир жиноятнинг келиб чиқишига бир эмас, икки маротаба ҳам давлат мулкини талон-тарож қилиб, ҳам бегуноҳ бир кишини ҳақоратлаб, уни калтаклаган, иззат-нафсини беқости қилган Тошмуҳаммад Ҳакимов нечун суд ҳукмидан ҳоли бўлиб қолди экан? Бу муаммо ҳозир кўпчиликни қизиқтирмоқда.

Тошмуҳаммаднинг эгри қўллигини бригадирга Умар айтганми ёки бошқа кишими, бу томони ҳозирча қоронғу. Умар айтган дейлик. Хўш у эгри мақсадда айтган эмасдир.

Айтган бўлса, фақат Тошмуҳаммадни ўғриликдан тўғри йўлга солиш ниятида айтган. Хўш, шундай экан кўзада сув келтиргани учун Умар айбдор бўлиши керакми?

Инсон қадри қаёқда-ю, селитра баҳоси қаёқда? Йўқ-йўқ, ўз қадрини билмайдиган Тошмуҳаммад сингари ҳаромхўр шахслар ўзгалар қадрини қаердан билсин?!

К. ЖАЛИЛОВ,
Калинин район прокурорининг ёрдамчиси.

А. ШАЙХОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ЗАВОДИДА

Суратда: фармацевтика заводининг илғор ишчиларидан Лола Ҳайдарова (чапда) ва Ҳалима Тошмуҳамедова билан Полина Карабельниковалар янги тайёрланган дориларни кўздан кечиришмоқда.

С. Маҳкамов ва Т. Каримов фотолари.

КИНОЛАБОРАТОРИЯ

Тошкент Давлат университети журналистика факультети ҳузурида ташкил этилган кинотелелаборатория ўзига хос маҳорат мактабига айланиб қолди.

Киножурналистика, телевизион фильм каби мавзулардаги машғулотлар шу ерда олиб борилади, янги фильмлар кўриги ўтказиб турилади.

Лаборатория киноҳаваскорлари кучи билан бир неча фильм яратилди. Булар орасида факультет фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм ажралиб туради.

Янги ўқув йили давомида қатор янги асарларни суратга олиш мўлжаллаб қўйилди.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.00 — Кўрсатувлар программаси. 19.05 — «Ахборот» информацион программаси (рус тилида).

Ўзбек тилида: 19.20 — «Бўстон» тележурнали. 20.35 — «Ахборот» информацион программаси. 20.50 — «Бир келиб кетинг қишлоғимизга». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 21.40 — «Қизлар фитнаси» (бадиий фильм, рус тилида).

23.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун. Кинофильм. 18.20 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қанотли ёшлик шеърияти».

19.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — «Ганделупа мамлакати маркаси» (телеспектакль). 19.10 — «Жаҳоннинг машҳур созандалари». Леонид Коган. 19.50 — «Тўлқинда—02». 20.10 — «Замондош билан учрашув» (концерт). 21.30 — «Бўриларр ва подалар» (бадиий фильмнинг 2 серияси).

ТЕАТР

МУқИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/VIII да Нурхон, 21/VIII да Фарғона тонг отгунча, 22/VIII да Лаҳма.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Менинг охирги тангоим (жуфт соатларда), САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Утган ёз — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 да).

Комиссарлар — «КЎКЧА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Ҳомий — «ҲАМЗА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Усширинлар (2 серия, ўзбек тилида, кундуз соат 3, кеч 9 да), Эрканлар ёзи (кундуз ва кечқурун) — НАВОИЙ номли.

Графиня Коссель — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4, кеч 8 да).

Пеппи узун пайпоқ — «СПУТНИК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

«Авлиё Лука»нинг қайтиши — ТЕЛЬМАН номли.

Ҳамроз — НАВОИЙ номли.

Менинг охирги тангоим — «ФЕСТИВАЛЬ».

8 сентябрь кундуз соат 2да Ўзбекистан ССР Фанлар Академиясининг химия ва химия технологияси бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (химия институтлари мажлислар зали, Черданцев кўчаси, 19 уйда техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. В. Макарова: «Асосли-лиқнинг кам алюминатли портландцементларнинг сульфатга нисбатан чидамлилигига таъсири» деган темада;

Т. Муратов: «Газоконденсатнинг ароматик углеводородларини экстракция қилиш ва улар асосида алкилароилсульфенатларни синтез қилишни ўрганиш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй)да танишиш мумкин.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В36495. Редактор ўринбосарлари — В35885, В37916. Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — В35811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761, катлар ва оммавий ишлар бўлими—В34045. Эълонлар бўлими — В38142, Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 02737. ИНДЕКС 64697. А. 1813.